

Фикр дурдоналари (29-қисм)



23:10 / 19.04.2017 5347

146. Аллоҳ уч нарсани "Чиройлилик" билан васф қилди:

1. Чиройли сабр.
2. Чиройли ҳажр (тарк этиш).
3. Чиройли кечириш.

Бас, шикоят қилмасдан сабр қил.

Озор бермасдан тарк эт.

Танбеҳ бермасдан, койимасдан кечир.

147. Одамлар бахтсизлигининг ярми ўзларида бўлмаган нарсани кўрсатишга уринишларидан келиб чиқади.

148. Насибангда бўлмаган, сенга насиб қилмаган шахснинг ичингда яшаши балонинг турларидан биридир.

149. Агар Аллоҳга дуо қилмоқчи бўлсанг ва вақт зиқ бўлиб, ҳожатларинг тиқилиб кетган бўлса, қиладиган дуоингнинг ҳаммаси Аллоҳдан сени афв қилишини сўраш бўлсин! Чунки, агар Аллоҳ сени афв қилса, сен сўрамасанг ҳам ҳожатларинг раво бўлади.

150. Сенга доим аҳамият берадиган шахсга нисбатан ўзингни билмаганликка олма. Агар шундай қилсанг, тошни тўплаш билан машғул бўлиб, олмосни қўлдан бой берганингни бир кун келиб англаб етасан.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси